
“Хон атлас ҳафталиги” доирасида маданий-маънавий тадбир ташкил этилди

Атлас матолари ўзининг турфалиги, гўзаллиги, қадимий ва бетакрорлиги билан неча асрлардан бери дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Данғара тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан жорий йилнинг 9-14 сентябрь кунлари юртимиз бўйлаб ўтказилаётган “Хон атлас ҳафталиги” доирасида маданий-маънавий тадбир ташкил этилди. Аҳоли ва айниқса, ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини юксалтириш, миллийликни асраш, миллий анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш орқали қадимий ва барҳаёт урф-одат ва қадриятларимизга хос бетакрор кийиниш услубларини намоиш қилиш ушбу ҳафталикнинг асосий мақсадидир.

2024-09-13 14:58:43